

Феруза КУВОНОВА

МЕҲМОН КУТИШ САНЪАТИ



ФЕРУЗА ҚУВОНОВА

МЕҲМОН КУТИШ
САНЪАТИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2011

УДК: 392.72 (575.1)

ББК: 87.774

Қ-71

Қувонова Ф. Меҳмон кутиш санъати. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. –116 б.

ISBN 978-9943-08-177-2

Ўзбек халқи меҳмондўстлиги билан бошқа халқлардан нафақат ажралиб туради, балки уларнинг таҳсинига сазовор бўлиб келади. Миллатимиз меҳмонга алоҳида тавозеъ ва муносабатда бўлишга ўрганган. Эшик қоққан кишига кўрсатилаётган муомаланинг рисоладагидек бўлиши ўзимизнинг ҳам, меҳмонимизнинг ҳам ҳурматини намоён этади. Ушбу китобда айнан ана шу ҳурмат ҳақида сўз юритилади.

Китоб меҳмондўст ўқувчиларга мўлжалланган.

УДК: 392.72 (575.1)

ББК: 87.774

ISBN 978-9943-08-177-2

© Ф. Қувонова. «Меҳмон кутиш санъати». «Янги аср авлоди», 2007 йил.

1 БЎЛИМ

МЕҲМОН КУТИШ САНЪАТИ СИРИ

***Ҳар соҳанинг энг етук,
мукаммал даражаси – санъатдир.***

Одатда қўшиқчи ва актёрларга нисбатан кенг қўлланиладиган санъат сўзи назаримда тор доирани эгаллагандек. «Санъат соҳаси» дея фақат шу икки касб эгаларига мурожаат қилинади. Аслида яхши нотиқ ва филологга нисбатан ҳам «Сўз санъаткори», уста чеварга нисбатан «Санъаткор тикувчи» деган сифатни қўлласак, мутлақо хато бўлмайди. Худди шу қаторда фикримизни бирор соҳа ёки касбга эмас, аксинча, кимларнингдир назаридаги «бекор ўтирадиган», уй бекаларининг доимий машғулоти ҳисобланган меҳмон кутишга қаратмоқчимиз. Ва сўзимиз авалида уни санъат дея баҳолаб, қуйида «МЕҲМОН КУТИШ САНЪАТИ» ҳақида тўхталамиз.

Хуллас, уй бекаси. Кун бўйи уйда ўтириб, келдикетдилардан бохабар аёлнинг барчаси ҳам оқила уй бекаси эмас, албатта. Келувчиларнинг тўрттасига хушмуомалада бўлса-ю, биргинасига ҳурматсизлик ёки қўполлик қилса, бека ҳақида тўртта тарафдор бўлганда ҳам оқила бека дея олмаймиз.

Аксинча, куннинг эртасидан шомига қадар уйда ўтирмаса-да, ҳар қачон эшик қоққан кишига очиқ чехралик ва хуштавозелик билан муомалада бўладиган, кўнглини оладиган эркагу аёл нафақат бекалик, балки мезбонлик фазилатига эга, бошқача сўз билан

айтганда меҳмондўстлик санъати соҳиби ва соҳибаларидир.

Меҳмондўстлик санъатига эга бўлиш кишидан машаққатли меҳнат ёки кучли билим талаб этмайди.

Кенгфёшлик ва ширинсуханлик – мана шу икки фазилат инсонни инсонга боғлайди, ўртада ҳурмат пайдо қилади. Демакки, эшик қоққан кишига бағрикенглик билан хушмуомалада бўлган мезбон меҳмон кутишнинг дастлабки сирини ошкор этибди.

Рисола давомида меҳмон кутишни санъат даражасига етказишнинг бошқа сирлари ҳақида навбат билан тўхталамиз. «Хулоса сиздан» рукни остидаги масал, ривоят, воқеалар сўнггидаги «учта нуқта» сизнинг ҳукмингизга ҳавола. Улар асносидаги сирлар сирлигича қолмасин!

МЕҲМОН КУТИШ ҲАҚИДА

Меҳмондорчилик – яъни меҳмон кутиш ва кузатиш одати дунёдаги аксарият халқларга хос хусусиятдир. Ўзбек халқи эса бу борада, нафақат улардан ажралиб туради, балки уларнинг таҳсинига сазовор бўлиб келади.

Ўзбек халқи бу жўмард одатни жуда қадим замонлардан ихтиёр этган. Шунинг учун маданиятимизнинг кўҳна манбаларида меҳмондорчилик инсоннинг, оиланинг, қабила ва халқнинг одамийлик, саховат, маданий ва маънавий алоқаси, мулоқот мезони сифатида жуда катта қадр билан тилга олинган. Ўзбеклар, «Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам кўнглинг кенг бўлсин», дейишади. Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган Ҳотами Той ҳикоятлари улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарлари орқали кўпчиликка таъниш, албатта. Уларда энг сўнгги луқмасигача сахийлик билан меҳмонга тутқазган, оила ва қабила шаъ-

нини сақлаб қолган ажойиб инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Халқимиз қадим замонларданоқ «Меҳмон отангдек улур», дея эшикдан келган одамни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиб, иззатини жойига қўйиб, кузатиб қўйишган.

Тарихимизга назар ташлаб ҳам, меҳмондўстликнинг ажойиб кўринишларини учратишимиз мумкин. Дейлик, қадимдан Шарқда махсус мусофирхоналар, карвонсаройлар мавжуд бўлган. Бу жойларда ўзга шаҳар ва мамлакатлардан келган сайёҳлар, савдо ва тижорат аҳиллари, элчию чопарлар вақтинчалик бошпана топишган. Ўзига тўқ, тўкин турмуш кечирадиган ота-боболаримиз ўз ҳовлиларидан ташқарида, бир-биридан анча олисдаги қишлоқларни туташтириб турувчи йўл бўйларида работлар қуришган. Йўловчилар ана шу работларда нафасларини ростлаб, ҳордиқ чиқариб, яна ўз йўлларида давом этишган.

Бундан ташқари, оддий кузатувда миллатимизга хос меҳмондўстлик намунасини кўришимиз мумкин. Тарихда ҳам, ҳозир ҳам, қишлоғу шаҳарда ўзбек оиласи истиқомат қиладиган уйнинг алоҳида бир хонаси меҳмонлар учун ажратиб қўйилади ва шунга яраша жиҳозланади. Бу хона имкон қадар қулайликлар билан таъминланади. Бир қараганда оддий кўринган бу ҳолат меҳмондўстликнинг бир исботидир.

Меҳмон келганда у оила, бола-чақаси билан, узоқ-яқин таниши билан келиши мумкин. Ташриф қандай бўлишдан қатъи назар, оиланинг барча аъзолари «Меҳмон отангдек улур», деган ақидага амал қилган ҳолда хуштавозеъ, кўнгли очиқлик билан кутиб олишган. Икки-уч кун қоладиган меҳмонлар шарафига хонадонга бошқа зиёли ва ҳурматли бўлган бошқа меҳмонлар ҳам таклиф этилган.

Биз ўзбекларда хонадонга меҳмон келиши маълум маънода шараф ҳисобланади. Кўп меҳмон келадиган оилаларга нисбатан «эшикли уй» ёки «келди-кетдиси

кўп» деган сифат ижобий маънода қўшиб айтилади. Бундай ташрифларнинг кетма-кетлиги мезбонга нисбатан одатда «меҳмондўст», «меҳмоннавоз», «қўнгли очиқ» деган сифатлар олиб келади. Одатда дейишимизнинг асоси бор. Чунки кетма-кет меҳмон кутиш оқибатида сиз очиқ чеҳралик билан муносабатда бўлсангиз, меҳмон кутиш давомли тус олади. Аксинча эса эшигингизни фақат ўзингиз тақиллатишингизга, таъбир жоиз бўлса, фақат ўзингиз ва оила аъзоларингиз кириб-чиқишига олиб келади.

Юқорида меҳмон кутиш ҳақида бир сир очилди ва ундан сиз воқиф бўлдингиз, деган умиддамиз. Фикримизни мезбонлик фазилатлари билан кейинги мавзуда давом эттирамыз.

МЕЗБОНЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

Мезбон ким, деган саволга аксарият кишилар уй эгаси, деб жавоб беришади. Аслида ундай эмас. Меҳмонни кутиб олувчи, уни кузатувчи ҳар қандай киши мезбон бўлади. Улар биринчидан уй эгаси, иккинчидан маълум бир уйда меҳмон бўлиб турган киши бўлиши мумкин.

Уй эгаси – ҳақиқий маънодаги мезбон ҳисобланадиган уй бекаси ёки хўжайини вақт ёки кайфиятидан қатъи назар, ўз вазифасини астойдил ва юракдан адо этиши лозим. Вазифаси нимадан иборат? Аввало очиқ чеҳралик ва хуштавозелик. Мезбонлик фазилати ҳам, нуқсонни ҳам юзда акс этади. Демак, тақиллаган эшикни очиш асносида юзингизда очиқ чеҳралик намоён бўлсин. Акси бўлган ҳайрат меҳмонни ноқулай вазиятга тушириб қўйиши мумкин. Таниш ёки нотанишлигидан фарқли ўлароқ дастлабки мурожаатингиз «салом» бўлиши айни муддао. Бу муомала занжирининг биринчи ҳалқаси ҳисобланади.

Албатта, меҳмон ўз ўрнида саломингизга салом билан жавоб қилади ва таниш бўлса, сизнинг дастлабки таклифингиз биланоқ уй ичкарасига ташриф буюради. Нотаниш меҳмон «салом» кетидан ўзини таништириши ва келган манзилини тўғрилигини суриштириши унинг нафақат меҳмонлик, балки оддий инсон сифатида маданиятини кўрсатади. Сиз меҳмонни яқин-узоқ масофадан келганлигига қарамай, меҳмонхонангизга таклиф этасиз.

Ўзбек оилаларида одоб ва одатга кўра, тақиллаган эшикни уй хўжайини ёки бошқа эркак киши очиши анъана тусини олган. Агар меҳмон аёл киши ёки ёшроқ қиз бўлса эшикни очган заҳоти эркак киши уйдаги аёлларни чақиритиши лозим. Бу мезбонликнинг оддий маданияти ҳисобланади.

Турли сабабларга кўра, уйда эркак бўлмаган ёки бўлмайдиган ҳолатларда мустасно тарзда, уйдаги она ёки каттароқ қиз бола эшикни очади. Келувчи аёл киши бўлса, дастлабки муомалани юқорида таъкидлаганимиздек тарзда олиб боради. Эркак киши бўлса, қисқа муомала билан мақсадни билиб, шунга яраша жавоб қилади. Уйда эркак киши йўқлигини айтиб, узр сўраган ҳолда меҳмонга жавоб бериб юбориш – мезбон аёлнинг оқиллик фазилати саналади.

Уйда, оила жамулжам пайтда эшик тақиллади. Эркак ёки мустасно ҳолатда оила бекаси эшикка пешвоз чиқади. Кутилаётган ёки кутилмаган бўлсада, таниш, қадрдон бўлган меҳмонни хуштавозелик билан ичкарига таклиф этади. Мезбон меҳмонни ноқулай вазиятга тушиб қолишдан сақлаши лозим. Бунда ўртада сукунатга ўрин қолдириш керак эмас. Мезбоннинг кайфиятсизлиги ҳамда ҳорғинлиги меҳмонга таъсир қилиши табиий. Келувчидан ҳол-аҳвол, кўнгул сўрар экан, мезбон имкон қадар ўзини мамнун ва шод тутиши, ташриф уни хурсанд қилганини тез-тез таъкидлаши бағрикенг мезбон кўринишидир.

Энди иккинчи хил мезбон вазиятига тўхталамиз. Уй эгаси бўлмаган, яъни меҳмонга келган кишининг мезбонлик вазифаси. Бундай меҳмон-мезбон уйда ёлғиз қолгандагина ўз вазифасини ўзгартиради, яъни тақиллаган эшикни очиб, мабодо меҳмон бўлса, уни кутиб олишни ўринлатади. Албатта, юқорида эслатиб ўтганимиздек, уйда ёлғиз бўлса, аёл киши эркак меҳмонни ёхуд аксинча эркак киши аёл меҳмонни ичкарига таклиф этмайди. Ва узрини изҳор қилади. Вазиятга қўра, агар уйда эркак «мезбон» бўлса-ю, келувчи аёл уй эгасининг оила аъзоси ёки яқинроқ қариндоши эканлигини билдирса, у ҳолда эркак киши уй эгаларини вазиятдан огоҳ этиб, меҳмонни ичкарига таклиф этиши мустасно тарзда мумкин.

Ҳар иккала ҳолатдаги мезбон хуштавозелик ва очиқ чехраликни ўзида намоён этган ҳолатда, мезбонлик фазилатларидан четланмаган тарзда мустасно ўринларга эга. Улар:

– уйда катталар бўлмаган пайтда кичик боланинг меҳмон кутиши;

– уйда эркак киши бўлмаган ҳолатда уй бекаси ёки қиз боланинг мезбонлик вазифасини адо этиши;

– уйда аёл киши бўлмаганда эркак кишининг аёл меҳмонни кутиши;

– нотаниш меҳмонни ўзини таништирмасдан бурун уйга таклиф этиш;

– янги чақалоқ ёки келин бор уйда чилла даврида шомдан кейин меҳмон кутиш.

Бу ўринларда меҳмонга сертакаллуфлик билан муносабатда бўлмаслик айб ҳисобланмайди ва ҳатто зарур.

Мезбонликнинг шундай қоидалари ҳам борки, бу иккала томонга ҳам боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар қандай истиснолардан холи ҳисобланади. Бу ўринларда мезбон ўз вазифасини астойдил бажариши

мезбонликнинг нозик қирраларини юзага чиқаради ва кейинчалик меҳмонда чексиз ҳурмат уйғотишга сабаб бўлади. Улар:

– уйдаги нохуш воқеа ёки кўнгилсизликдан беҳабар бўлган келувчи меҳмонга вазиятни сездирмаслик ва уни хуш кайфиятда кузатиш;

– узоқ сафарга кетган хонадон эгаларининг қадрдонларини уйда қолган меҳмон-мезбон илтифоти билан кутиб олиши ва кузатиши;

– уйда катталар бўлмаган пайтда келган совчиларга оила аъзоларидан ким бўлса-да, хуштавозелик билан пешвоз чиқиши (ҳатто сўраб келинган қизнинг ёлғиз ўзи бўлса ҳам);

– ўртада маълум пайт совуқчилик тушиб, бордикелди узилган кишининг ташрифи мезбонни ҳайратлантирса-да, иззатини жойига қўйиши.

Юқоридаги ҳолатларда меҳмонга иззат-ҳурмат кўрсатиш маълум пайтдан кейин мезбонга ҳам худди шундай муносабат олиб келиши табиий. Биз ўзбекларда, умуман мусулмончиликда меҳмон ҳатто ғаразли мақсадда, оилага ёмон ният, душманлик мақсади билан келган бўлса ҳам мезбон буни сезса, яхши билса-да, меҳмондорчилик одатига шак келтирмаган. Нафақат тўкин дастурхон, балки туз билан сийлаб, меҳмон ниятини яхшилик томон йўналтирган. Барчамизга таниш бўлган шарқ халқ эртаклари туркумидаги «Али бобо ва қирқ қароқчи» эртакларини эслашнинг ўзи фикримизни яққол исботидир.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2121> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2121> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2121>